

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ ЖАМШИД АБДУРАИМОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРГА СТАЦИОНАР
ВА АМБУЛАТОР ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Исмаилов Жамшид Абдураимович

Бронхиал астма билан оғриган беморларга стационар ва амбулатор ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш

3

Исмаилов Жамшид Абдураимович

Совершенствование организации стационарной и амбулаторной помощи пациентам с бронхиальной астмой

21

Ismailov Jamshid Abduraimovich

Improving the organization of inpatient and ambulatory care for patients with bronchial asthma

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ ЖАМШИД АБДУРАИМОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРГА СТАЦИОНАР
ВА АМБУЛАТОР ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.4.DSc/Tib986 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Агабабян Ирина Рубеновна
тиббиёт фанлари номзоди; профессор

Расмий оппонентлар:

Искандарова Шахноза Тулкуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Лазебник Леонид Борисович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Ибрагимов Азиз Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Соғлиқ билимлари университети (Туркия)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34).

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Т. Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган мамлакатларда ўлимга олиб келувчи касалликлар орасида бронхиал астма касаллиги ўрни ва улуши юқоридир. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳар йили бронхиал астмадан тахминан 455,000 ўлим қайд этилмоқда. Ушбу ўлимларнинг кўпи кам ва ўрта даромадли мамлакатларда содир бўлган...»¹. Бронхиал астмани даволаш ва назорат қилиш мумкин, касалликка тўғри ташхис қўйиш, беморларни дори-воситаларидан тўғри фойдаланишга ўқитиш ёрдамида беморларни самарали назорат қилиш мумкин. Даволаш имкониятлари чекланганлиги сабабли бронхиал астма билан оғриган беморларнинг 80 фоизидан ортиғи барвақт оламдан ўтмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу касалликни комплекс равишда даволаш, индивидуал ёндашиш ва замонавий илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш ижобий натижалар бермоқда. Бронхиал астма билан касалланган беморларга стационар, амбулатор ва санаторий-курорт шароитларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамни, шунингдек, диспансеризация ишларини мультифакторли таҳлил асосида такомиллаштириш соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда, бронхиал астма хавф омилларини ўрганиш, яъни шаҳарлар ҳавосининг ифлосланиши, саноат чанглари миқдорининг ортиши, тамаки чекиш, нафас йўллариининг юқумли касалликлари, уларнинг тез-тез авж олаётгани, касалликнинг бошланғич даврларида эрта ташхислашнинг ўзига хос тамойилларини ва фундаментал асосларини амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида, қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада сурункали юрак етишмовчилиги билан асоратланган бронхиал астама эндотелиал дисфункциянинг патогенетик механизмлари, прокоагулянт омиллар фаоллиги, иммунологик статусни ва натрийуретик пептид миқдорини, нафас ва юрак тизимларининг функционал ҳолатини баҳолаш асосида самарали даволаш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларнинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

¹ ЖССТнинг бронхиал астма маълумотлар// 7-май, 2024 (https://www.who.int/news/item/07-05-2024-world-asthma-day--who-calls-for-better-education-to-empower-people-living-with-asthma?utm_source)

яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, бронхиал астма билан касалланган беморларни самарали даволаш ва диагностикасини такомиллаштириш орқали касаллик асоратларининг олдини олиш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ–6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Сўнги ўн йилликда бронхиал астмага гетероген касаллик сифатида қаралмоқда клиник фенотиплар иммунологик биомаркерлар асосида муолажаларни олиб боришни амалиётга жорий этиш касаллик натижасида юзага келиши мумкин бўлган ногиронлик ва барвақт ўлим хавфини сезиларди даражада камайтирмоқда. Индивидуаллаштирилган муолажаларни ташкил этишни такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Missouri-Kansas, University of Yale, University of Iowa, University of Pennsylvania, University of California San Diego, Department of Medicine, Section of Endocrinology, Nutrition and Diabetes, Boston University Medical Center, Boston (АҚШ); Robert Koch Institute (Германия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany (Германия); National Institute for Health and

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.mioi.ru, www.cancercenter.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Welfare (Финляндия); Department of Medicine, University of Calgary, Calgary, (Канада); University of Turin (Италия); Perinatal Institute (Буюк Британия); University of Pisa (Италия); Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург тиббиёт олий ўқув юртидан кейинги таълим академияси (РФ); Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Оғир бронхиал астма билан касалланган беморларда иммуногенетик маркерлар асосида муолажаларни ташкил этишни такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор муҳим хулосаларга келинди. Хусусан, оғир бронхиал астма билан оғриган беморларга комплекс ёндошув орқали тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини клиник ва иқтисодий нуқтаи назардан баҳолаш методологияси ишлаб чиқилди (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany). Кўп қиррали илмий тадқиқотлар доирасида, жумладан GINA (Global Initiative for Asthma), NIH (National Institutes of Health, USA), European Respiratory Society (ERS) ва University of Cambridge (UK) ҳамкорлигида ўтказилган халқаро изланишларда оғир астмада турли реабилитация усуллари самарадорлиги, асоратларнинг ривожланиши ва касалликнинг зўрайишига таъсири баҳоланди. Шунингдек, Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)да амалга оширилган тадқиқотларда, оғир бронхиал астма билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш йўналишида илмий асосланган янгича ёндашувлар таклиф этилди.

Дунёда оғир бронхиал астма билан беморларга иммуногенетик таҳлил орқали тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: бронхиал астма билан касаллиги билан хасталанган беморларга тайинланадиган дори терапияси ва унинг узоқ муддатли оқибатларга таъсири асослаш; касалликдан кейин беморларнинг ҳаёт сифати динамикаси ва “ҳаражат-фойда” усулидан фойдаланган ҳолда беморларни даволаш самарадорлигини клиник- иқтисодий таҳлилини самарадорлигини асослаш; консерватив даволашда тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларида ташкилий ва даво-профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида бронхиал астма билан касалланган беморларда хавф омилларининг юқори тарқалишини ва уларнинг касаллик кечиши, даволашга жавоб реакцияси ҳамда асоратлар ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатилмоқда (Martin S.S., 2024; GINA, 2023). Ушбу касаллик меҳнатга лаёқатли аҳоли вакилларида барвақт ўлим ва ногиронликнинг олиб келадиган сурункали касалликлардан биридир. Ҳозирги вақтга қадар бронхиал астманинг олдини олиш мумкин бўлган асоратлар хавфи ва ўлим ҳолатлари амалий тиббиётнинг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, астма билан боғлиқ госпитализацияларнинг тахминан 75 фоизи ва ушбу касаллик билан ўлим ҳолатларининг 90 фоизигача олдини олиш мумкин, бу эса мавжуд

даволаш усуллари кўллашда жиддий камчиликлар мавжудлигини ва тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш заруратини кўрсатади (NHS England, 2023; Fleetcroft R. et al., 2016). Ушбу касалликнинг тарқалиши бўйича маълумотлар ҳам муаммонинг жиддийлигини яққол намоён этади. АҚШда болаларнинг 7,5 фоизи ва катта ёшли аҳолининг 7,7 фоизи БАдан азият чекади. Бир қанча тадқиқотчилар бронхиал астма билан касалланган беморларни ихтисослашган тиббий хизматга йўналтиришдаги муаммолар ҳақида маълумотлар келтиришган. Беморларни ихтисослашган ёрдамга ўз вақтида йўналтириш масаласи алоҳида эътиборга лойиқ. NRAD (National Review of Asthma Deaths) тадқиқоти шуни аниқлаганки, астмадан вафот этган беморлар юқори хавф гуруҳида эканлиги аниқланмаган ва назоратсиз бронхиал астмали беморлар режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга мурожаат қилишмаган. Бу эса касалликнинг олдини олиш мумкин бўлган асоратларнинг ривожланишига ва барвақт ўлим ҳолатларига сабаб бўлади (Levy M. L., 2015). Айрим адабиётларда келтирилишича, ихтисослашган тиббий ёрдамга йўналтириш изчил эмас, бирламчи ва иккиламчи тиббий тизим ходимлари турли мезонлардан фойдаланишади. Йўналтиришни кечиктириш эса беморларда асоратлар ривожланишига олиб келади (O'Rourke A. et al., 2020). Бу муаммолар барча ривожланган мамлакатлар учун ҳам хосдир.

Биомаркерларга асосланган ёндашув оғир бронхиал астмани даволашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, чиқарилаётган нафас ҳавосидаги азот оксиди ($FeNO \geq 25$ ppb) ва қон зардобидаги IgE концентрацияси иммуногенетик профилнинг асосий маркерлари сифатида қабул қилинган (GINA, 2024; ERS/ATS, 2022). Кўп қиррали тадқиқотлар (NIH, ERS, University of Cambridge) иммуногенетик маркерлар асосида танланган биологик терапиянинг самарадорлигини исботлади. Анти-IgE терапия (омализумаб) аллергик бронхиал астмада оғирлашувлар сонини камайтирар экан, анти-IL-5 (меполизумаб, реслизумаб, бенрализумаб) ва анти-IL-4R α (дупилумаб) эозинофиллар юқори бўлган фенотипларда яллиғланишни самарали чеклайди ва ўпка функциясини яхшилади (Castro M., 2018; Menzies-Gow A., 2021). Яқин йилларда тадқиқотларга киритилган анти-TSLP терапияси (тезепелумаб) эса турли фенотипларда, ҳатто эозинофиллари паст беморларда ҳам клиник самара бериши исботланган (Menzies-Gow A., 2022).

Республикамызда ҳам сўнги йилларда (Самарқанд давлат тиббиёт университети, 2022–2024; Тошкент тиббиёт академияси, 2021) бронхиал астма билан касалланган беморларда иммунологик маркерларни аниқлаш ва уларга асосланган даволаш стандартларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ ҳозирги пайтгача мамлакатимизда бронхиал астмани иммунологик препаратлар асосида даволаш бўйича ягона стандартлар ишлаб чиқилмаган. Хорижий ва маҳаллий тажрибаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бронхиал астма билан касалланган беморлар учун мултифакторли таҳлил ва иммуногенетик маркерлар асосида шакллантирилган комплекс даволаш дастурлари нафақат клиник самарадорликни оширади, балки беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади,

асоратлар ривожланишини чеклайди ва иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, ушбу йўналишдаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, маҳаллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, шунингдек, №012000260-сонли “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” номли илмий-тадқиқот лойиҳа доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: амбулатор ва стационар босқичларда бронхиал астма билан оғриган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни ташкилий ва клиник жиҳатдан комплекс баҳолаш орқали интеграциялашган тиббий хизмат дастурини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

БА билан оғриган беморларга амбулатор ва стационар босқичларда кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ҳамда даволанишга бўлган эҳтиёж ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

Диспансеризация жараёнининг самарадорлигини ошириш учун мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш.

Клиника-функционал кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш ҳамда уларнинг касаллик назорати ва клиникаси билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

Стационар ва амбулатор даволаш босқичлари ўртасидаги узвийлик ва интеграцияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мультифакторли таҳлил натижалари асосида беморларга индивидуал ёндашувни кучайтиришга қаратилган дастур ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд тиббиёт бирлашмаси ва доктор Аралов клиникаси терапия бўлимларида бронхиал астма ташхиси билан даволанган жами 240 нафар беморлар олинган бўлиб улар шартли равишда 3 та гуруҳга ажратилди. 1 асосий (n=90) гуруҳдаги беморларга стандарт муолажаларга қўшимча равишда омализумаб ва конъюгацияланган линол кислотаси дори воситаси қўлланилди. 2 таққослаш (n=80) гуруҳидаги беморларда стандарт муолажалар фонида фақат омализумаб қўлланилди. 3 назорат (n=70) гуруҳидаги беморларни даволаш муолажалар фақатгина стандарт усулда олиб борилди.

Тадқиқотнинг предметини веноз қон, капилляр қон, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, иммунологик, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотни илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астма билан оғриган беморларда амбулатор шароитда омализумаб дори воситаси қўлланилганда стационар даволанишга бўлган

эхтиёжнинг 2,5 бараварга камайиши ва қайта госпитализациялар ўртасидаги ишончли тескари корреляция ($r=-0,62$; $p<0,01$) мавжудлиги исботланган;

амбулатор ва стационар шароитлардаги тиббий хизматдан қониқиш даражаси баҳоланганда, беморларнинг ўз соғлиғига субъектив баҳоси (44 % қониқарли), тиббий хизматдан юқори даражада қониқиши (81,5 %) ва функционал кўрсаткичлар динамикаси ўртасида (спирометрия ва mMRC) статистик аҳамиятли тўғри корреляцион ($r=0,58$; $p<0,05$) боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

амбулатор босқичда ингаляцион дори воситаларидан фойдаланиш техникасини ўргатиш, эслатмалар, шифокор билан онлайн алоқа ва сўровномаларини рақамли баҳолашга асосланган кузатувдан фойдаланилганда АСТ натижалари 75,6 % га, даволашга риоя қилиш 82,2 % га, ингаляция техникасини тўғри бажариш 88,9 % га ортиши орқали касаллик устидан юқори даражадаги назоратга эришилган;

базис терапияга анти-IgE препарат ва конъюгацияланган линол кислотасини қўшилган индивидуаллаштирилган ёндашувни жорий этиш орқали беморларнинг стационар даволанишга бўлган эҳтиёжи 50,0 % га, иш қобилияти йўқотилган кунлар 61,4 % га камайиши асосланган;

бронхиал астманинг III–IV поғоналарида proBNP даражасининг меъърдан ортиш частотаси I–II поғоналарга нисбатан 3,8 баробар юқорилиги аниқланиб ($p<0,001$), proBNP ҳамда FeNO ($r=0,52$; $p<0,01$) ўртасидаги ижобий корреляция асосида ушбу маркер амбулатор ва стационар босқичлар узвийлигини таъминловчи тиббий маркер сифатида амалиётга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма билан оғриган беморларни амбулатор ва стационар босқичларда олиб боришнинг интеграциялашган алгоритмини жорий этиш нафас олиш функционал кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини таъминлашга имкон берди, шунинг учун 6 ойлик кузатувдан сўнг FEV1 кўрсаткичи стандарт даволаш гуруҳида $72,8\pm 9,0\%$ га нисбатан $82,6\pm 8,1\%$ ни ташкил этди ($p<0,01$), 12 ойдан кейин эса мос равишда $88,9\pm 7,4\%$ га нисбатан $75,6\pm 8,7\%$ ни ташкил этди ($p<0,001$);

клиник-функционал ва иммунологик кўрсаткичлар асосида терапияга комплекс ёндашувни амалга ошириш бронхиал ўтказувчанликнинг сезиларли яхшиланиши билан бирга келди: PEF кўрсаткичи 12 ойдан кейин таққослаш гуруҳидаги $70,3\pm 9,8\%$ га нисбатан $85,4\pm 8,8\%$ га ошди ($p<0,001$), MEF 25-75 эса мос равишда $59,4\pm 10,9\%$ га нисбатан $75,9\pm 9,7\%$ га етди ($p<0,001$);

ишлаб чиқилган даволаш ва реабилитация дастурларини қўллаш ўпканинг вентиляция функциясининг янада яққол тикланишини таъминлади: FEV1/FVC кўрсаткичи стандарт терапиядаги $71,1\pm 6,2\%$ га нисбатан 12 ойлик кузатувдан сўнг $78,6\pm 5,4\%$ гача ошди ($p<0,001$), бу бронхиал обструкция даражасининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатади;

стационар даволанишдан сўнг узлуксиз амбулатор кузатув тизимини жорий этиш барча спирометрик кўрсаткичларнинг 6 ойдан кейин барқарор ижобий динамикасини таъминлаш имконини берди (FEV1 - $82,6\pm 8,1\%$, FVC - $90,8\pm 8,6\%$), кейинчалик уларнинг 12 ойга келиб ишончли ўсиши (FEV1 -

88,9±7,4%, FVC - 94,7±7,9%, p<0,001), бу беморларни бошқаришнинг таклиф этилган дастурининг клиник самарадорлиги ва узок муддатли барқарорлигини тасдиқлайди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган нусха кўчириш, аналитик, социологик (сўровнома), эксперт, иқтисодий, прогностик усуллар, клиник текшириш ва статистик тадқиқот усуллари асосида беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, келтирилган маълумотлар бронхиал астма билан хасталанган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва яхшилашга катта ҳисса қўшади ҳамда даволаш салоҳияти паст хавф гуруҳининг ривожланиш даражаси ва аниқланиши ҳақида объектив маълумот беради.

Тадқиқотнинг амалий бронхиал астма билан хасталанган беморларни ўз вақтида даволаш самарали натижаларига эришиш имконини берган, бу муолажалар сифатини ошириш, ногиронликни камайтириш ва ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва сақлаб қолишга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 28 мартдаги 5-сонли хулосасига кўра, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича қуйидагилар аниқланган:

биринчи илмий янгилик: илк бор бронхиал астма билан оғриган беморларда амбулатор шароитда омализумаб дори воситаси қўлланилганда стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг 2,5 бараварга камайиши ва қайта госпитализациялар ўртасидаги ишончли тесқари корреляция ($r=-0,62$; $p<0,01$) мавжудлиги исботланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Бронхиал астма билан касалланган беморларни амбулатор босқичда олиб бориш усуллари” ва “Бронхиал астма билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномаларда ўз ифодасини топган ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти институтига 2025 йил 3 апрелдаги 20-1-сонли буйруғи асосида ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига 2025 йил 1 майдаги 29-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилди.

Ижтимоий самарадорлиги: Касаллик хуружлар сонининг камайиши туфайли беморларнинг кундалик фаоллиги, меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллиги ошган. Касалликнинг назоратсиз кечиши билан боғлиқ ўлим хавфи, ногиронликка ўтиш ҳолатлари ишончли камайган. Натижада беморларнинг ижтимоий муҳитдаги психологик зўриқишни ҳам камайтирган. *Иқтисодий*

самарадорлиги: стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг 2,5 баробарга камайиши тиббий хизмат харажатларининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келган. Госпитализация кунлари сонининг қисқариши билан биргаликда стационар даволаш харажатлари 50,0% га камайган.

иккинчи илмий янгилик: амбулатор ва стационар шароитлардаги тиббий хизматдан қониқиш даражаси баҳоланганда, беморларнинг ўз соғлиғига субъектив баҳоси (44 % қониқарли), тиббий хизматдан юқори даражада қониқиши (81,5 %) ва функционал кўрсаткичлар динамикаси ўртасида (спирометрия ва mMRC) статистик аҳамиятли тўғри корреляцион ($r=0,58$; $p<0,05$) боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Бронхиал астма билан касалланган беморларни амбулатор босқичда олиб бориш усуллари” ва “Бронхиал астма билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномаларда ўз ифодасини топган ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти институтига 2025 йил 3 апрелдаги 20-1-сонли буйруғи асосида ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига 2025 йил 1 майдаги 29-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Функционал кўрсаткичлар динамикаси билан қониқиш даражаси беморларнинг ўз соғлиғини тўғри баҳолаши ва касаллик назоратига фаол иштирок этишини таъминлаган, натижада беморларнинг психоэмоционал зўриқиш ва ижтимоий ажралиш ҳолатлари камайган. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончини ошириб тиббий хизмат узвийлигини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар даволанишга эҳтиёж 7,4 % га ва иш қобилияти йўқотилган кунлар 61,4% га камайиши ҳамда шошилиш тиббий ёрдамга мурожаатларнинг 12,3 % га қисқариши тез ёрдам хизматларига бўлган иқтисодий юкни енгиллатган.

учинчи илмий янгилик: амбулатор босқичда ингаляцион дори воситаларидан фойдаланиш техникасини ўргатиш, эслатмалар, шифокор билан онлайн алоқа ва сўровномаларини рақамли баҳолашга асосланган кузатувдан фойдаланилганда АСТ натижалари 75,6 % га, даволашга риоя қилиш 82,2 % га, ингаляция техникасини тўғри бажариш 88,9 % га ортиши орқали касаллик устидан юқори даражадаги назоратга эришилган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Бронхиал астма билан касалланган беморларни амбулатор босқичда олиб бориш усуллари” ва “Бронхиал астма билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномаларда ўз ифодасини топган ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти институтига 2025 йил 3 апрелдаги 20-1-сонли буйруғи асосида ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига 2025 йил 1 майдаги 29-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларнинг ўз саломатлигига бўлган ишончини ошириб, касаллик билан боғлиқ ҳавотир ва стресс даражасини кескин камайтирган. Ингаляция техникасини тўғри бажариш кўрсаткичининг 1,7 баробарга ошиши нафас йўлларида дори воситасининг самарали етиб боришини таъминлаб, хуружлар частотасини

камайтирган ва беморларнинг кундалик ҳаёт фаоллигини оширган. Беморларнинг касаллик туфайли ижтимоий ажралиш ҳолатлари камайиб, уларнинг жамиятга мослашуви яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* касаллик устидан назоратнинг юқори даражага эришиши натижасида стационар даволанишга бўлган эҳтиёж 19,6% дан 7,4% га камайган. Бу эса госпитализация харажатларини тежаш имконини яратган. Иш қобилияти йўқотилган кунлар 100% дан 61,4% га камайиб, меҳнат ресурсларини сақлаш ва ишлаб чиқаришдаги иқтисодий йўқотишларни камайтиришга олиб келган.

тўртинчи илмий янгилик: базис терапияга анти-IgE препарат ва конъюгацияланган линол кислотасини қўшилган индивидуаллаштирилган ёндашувни жорий этиш орқали беморларнинг стационар даволанишга бўлган эҳтиёжи 50,0 % га, иш қобилияти йўқотилган кунлар 61,4 % га камайиши асосланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Бронхиал астма билан касалланган беморларни амбулатор босқичда олиб бориш усуллари” ва “Бронхиал астма билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномаларда ўз ифодасини топган ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти институтига 2025 йил 3 апрелдаги 20-1-сонли буйруғи асосида ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига 2025 йил 1 майдаги 29-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* индивидуаллаштирилган ёндашувни жорий этиш натижасида стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг 100 % дан 50,0 % га камайиши беморларнинг касалхонадан узоқроқ вақт давомида оилавий муҳитда, ижтимоий фаолликни сақлаган ҳолда даволаниш имкониятини яратган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг камайиши госпитализация харажатларининг 2,0 баробарга қисқаришига олиб келган. Стационар даволаш кунлари сонининг қисқариши билан биргаликда тиббий хизматлар бўйича харажатлар ҳам тежалган.

бешинчи илмий янгилик: бронхиал астманинг III–IV поғоналарида proBNP даражасининг меъёрдан ортиш частотаси I–II поғоналарга нисбатан 3,8 баробар юқорилиги аниқланиб ($p < 0,001$), proBNP ҳамда FeNO ($r = 0,52$; $p < 0,01$) ўртасидаги ижобий корреляция асосида ушбу маркер амбулатор ва стационар босқичлар узвийлигини таъминловчи тиббий маркер сифатида амалиётга жорий этилган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Бронхиал астма билан касалланган беморларни амбулатор босқичда олиб бориш усуллари” ва “Бронхиал астма билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг замонавий усуллари” номли услубий тавсияномаларда ўз ифодасини топган ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти институтига 2025 йил 3 апрелдаги 20-1-сонли буйруғи асосида ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига 2025 йил 1 майдаги 29-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Беморларда юрак-қон томир асоратлари (сурункали юрак етишмовчилиги, аритмия, тромбоемболия) ривожланишининг олдини олишга хизмат қилган. Натижада беморларда касалликнинг иккиламчи асоратлари камайиб, уларнинг ҳаёт сифати, меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллиги

сақланиб қолган. *Иқтисодий самарадорлиги*: субклиник кардиал зўриқиш аниқланган беморларда эрта профилактик чоралар қўлланилиши натижасида стационар даволанишга эҳтиёж ва шошилиш тиббий ёрдамга мурожаатлар камайган. Иш қобилияти йўқотилган кунлар 1,6 баробар камайиб, меҳнат ресурсларини сақлаш ва ишлаб чиқаришдаги иқтисодий йўқотишларни камайтиришга олиб келган. *Хулоса*: бронхиал астма билан оғриган беморларга амбулатор ва стационар босқичларда рақамли мониторинг, индивидуаллаштирилган даволаш ва интеграл биомаркерлар асосидаги комплекс ёндашувни жорий этиш касаллик назоратини яхшилаш, стационар даволанишларга бўлган эҳтиёжларнинг ва иш қобилияти йўқотилишини камайтириш орқали юқори самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бронхиал астманинг диагностикаси ва даволашига замонавий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётлар муҳокамаси келтирилган. Сўнгги йилларда БА билан касалланганлар сони сезиларли даражада ошган. Барча мамлакатларда БА ногиронлик ва ўлимнинг этакчи омилларидан бири бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга олиб келади, уларнинг даражаси ҳар йили ошиб боради. БА дан ўлим кўрсаткичи дунёда 45 ёшдан катта ёш гуруҳида тўртинчи ўринни эгаллайди. 2030 йилга келиб БА дан ўлим учинчи ўринда бўлиши кутилмоқда. Беморларнинг асосий тоифаси меҳнатга лаёқатли ёшдаги (40 ёшдан 67 ёшгача) одамлардир.

Ташхислаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек мазкур муаммони илмий жиҳатдан ҳал

этилишини муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Юқоридаги ҳолатлар ички касалликлар муаммосининг долзарблигини кўрсатади ва бизни амалий аҳамиятга эга бўлган саволларни ўрганишга ундади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материаллари ва усулларини таснифлаш”** деб номланган иккинчи бобида бронхиал астма билан оғриган беморларга тиббий хизмат кўрсатишнинг уч босқичли интеграциялашган дастурий тадқиқот дизайни келтирилган. Унда беморларни бирламчи саралаш, амбулатор ва стационар босқичларда кузатиш тизими баён этилган. Беморларнинг ҳолати АСТ (Asthma Control Test) сўровномаси асосида баҳоланиб, касаллик назорати даражасига кўра тегишли босқичларга йўналтирилган. Барча маълумотлар ягона электрон базага киритилиб, SMS ва Telegram орқали эслатмалар ҳамда онлайн кузатув тизими ҳақида маълумотлар келтирилган.

Амбулатор босқичда спирометрия, FeNO, IgE ва proBNP кўрсаткичлари баҳоланиб, GINA тавсиялари асосида базис терапия қўлланилди. Асосий ва таққослаш гуруҳларида омализумаб, асосий гуруҳда эса кўшимча конъюгацияланган линол кислотаси қўлланилди. Беморларга ингалятордан тўғри фойдаланиш ўргатилиб, мультидисциплинар кузатув ташкил этилди. Стационар босқичда оғир хуружли беморларга интенсив терапия, реабилитация ва телемедицина орқали кейинги кузатув ишлари амалга оширилди. Ягона электрон база орқали амбулатор ва стационар босқичлар ўртасида узвийлик таъминланиб, бу касаллик назоратини яхшилаш, госпитализациялар сони ва тиббий харажатларни камайтириш имконини берувчи дастур ишлаб чиқилди (1-расм).

Тадқиқотга жами 240 нафар бронхиал астма билан оғриган бемор 3 гуруҳга ажратилди ва ҳар бир гуруҳда интеграциялашган ёндашув асосида даволаш ҳамда кузатув олиб борилди. 1-асосий гуруҳдаги 90 нафар бемор стандарт базис терапия, омализумаб, конъюгацияланган линол кислотаси ва рақамли мониторинг асосида кузатилди. Ушбу гуруҳда онлайн колл-марказ, SMS ва Telegram орқали эслатмалар, телемедицина, АСТ баҳолаш, FeNO, IgE ва proBNP мониторинги ҳамда ингалятор техникасини ўргатиш йўлга қўйилди.

2-таққослаш гуруҳидаги 80 нафар бемор стандарт терапия ва омализумаб асосида кузатилиб, уларда даврий амбулатор кўриклар, спирометрия, АСТ, ACQ, AQLQ баҳолаш ва телемедицина орқали мониторинг амалга оширилди. 3-назорат гуруҳидаги 70 нафар бемор эса фақат стандарт базис терапия асосида анъанавий усулда кузатилиб, режали шифокор кўриклари ва клиник-нафас функцияси кўрсаткичлари баҳоланди (1-расм).

Барча беморларда амбулатор ва стационар босқичлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш мақсадида ягона электрон база шакллантирилди. Бу тизим беморларнинг клиник ҳолатини доимий назорат қилиш, касаллик назоратини яхшилаш ва стационар даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини берди.

Мазкур бобда диссертация ишининг илмий дизайни, тадқиқот объекти ва предмети, беморларни танлаш мезонлари, клиник-функционал, лаборатор-иммунологик ва инструментал текширув усуллари, шунингдек, олинган

натижаларни статистик қайта ишлаш методологияси баён этилган. Тадқиқот амбулатор ва стационар босқичларда бронхиал астма билан оғриган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарадорлигини комплекс баҳолаш ҳамда интеграциялашган тиббий хизмат дастурни илмий асослашга қаратилган. Иш клиник кузатув, лаборатор ва инструментал текширувлар, иммунологик таҳлил ҳамда статистик моделлаштириш усуллари асосида амалга оширилди. Тадқиқот дизайни проспектив кузатув характериға эға бўлиб, беморлар стационар ва амбулатор босқичларда динамик равишда баҳолаш усуллари батафсил баён этилган.



1-расм. Бронхиал астма билан оғриган беморларға амбулатор ва стационар босқичларда интеграциялашган тиббий хизмат дастури


Амбулатор ва стационар босқичларда тиббий ёрдам узлуксизлиги куйидаги мезонлар орқали баҳоланди: қайта госпитализация частотаси, диспансер назорат давомийлиги, даволашга риоя қилиш даражаси ва хуружлар

сони. Интеграциялашган тиббий хизмат дастури самарадорлиги ушбу кўрсаткичлар динамикаси асосида таҳлил қилинди.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш замонавий дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилди. Ўртача қиймат (M), стандарт оғиш (SD), ишонч интервали ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолашда Стюдент t-тести қўлланилди. Корреляцион таҳлил орқали клиник ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Диссертацияни “**Бронхиал астма билан оғриган беморларга кўрсатилаётган стационар ва амбулатор хизматнинг таҳлили**” деб номланган учинчи бобида бронхиал астма билан оғриган беморларга амбулатор ва стационар босқичларда кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги клиник, функционал ва ташкилий мезонлар асосида комплекс таҳлил қилинган. Бобда бронхиал астма билан оғриган беморларга амбулатор ва стационар босқичларда кўрсатилаётган тиббий хизматнинг ташкилий, клиник ва статистик жиҳатлари комплекс таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, бронхиал астма билан оғриган беморларнинг 70–80 % қисми асосан амбулатор босқичда кузатилиши аниқланди. Шу билан бирга, беморларнинг 35–40 % да касаллик кеч босқичларда ташхис қилиниши, диспансер назорати қамровининг етарли эмаслиги ҳамда беморларнинг 50 % дан ортиғи ингаляторлардан тўғри фойдаланиш кўникмасига эга эмаслиги қайд этилди. Бу ҳолатлар касаллик назоратининг пасайиши, такрорий хуружлар ва стационар даволанишга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлиши аниқланди.

Самарқанд вилоятида 2020–2025 йиллар мобайнида бронхиал астма билан касалланган беморлар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди. 2025 йилга келиб бронхиал астма билан рўйхатда турган беморлар сони 7021 нафарга етганлиги аниқланди.




2 - расм. Самарқанд вилоятида БА билан касалланган беморларнинг динамик ҳолати

Шунингдек, диспансер назоратидаги беморлар сонининг йил сайин ортиши қайд этилиб, ушбу кўрсаткич билан вақт омили ўртасида кучли мусбат корреляция ($r=0,98$; $p < 0,001$) аниқланди. Илк бор ташхис қўйилган беморлар

сони билан вақт омили ўртасида ҳам ўртача мусбат боғлиқлик ($r=0,74$; $p<0,05$) қайд этилди. Олинган натижалар амбулатор диагностика ва диспансер назорати тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди (2-расм).

Амбулатор босқич таҳлилида беморларнинг 81,5 % поликлиника шароитида кўрсатилган тиббий хизматдан қониққанлиги аниқланди. Жумладан, 45,9 % беморлар “қониқдим”, 35,6 % эса “жуда қониқдим” деб баҳолаган. Бунда беморларнинг шифокор билан мулоқоти, диспансер кузатуви ва даволаш самарадорлиги юқори баҳоланган бўлса-да, санитар-гигиеник шароитлар ва маиший хизматлар билан боғлиқ айрим камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.



3-расм. Касалликдан хабардорлик бўйича тақсимланиши

Стационар босқич таҳлилида 2020–2025 йиллар давомида стационар шароитда даволанган беморлар сонининг ўзгарувчан динамикаси кузатилди. 2022–2023 йилларда стационар даволанган беморлар сонининг камайиши амбулатор назорат самарадорлигининг ортиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, стационар даволанган беморлар сони билан вақт омили ўртасида ўртача манфийдан мусбатга ўтувчи боғлиқлик ($\rho=-0,41$; $p<0,05$) мавжудлиги қайд этилди. Самарқанд вилоятида стационарда ётиш муддати 2023–2024 йилларда 7,2 кундан 5,9 кунгача қисқарганлиги такомиллаштирилган интеграциялашган тиббий хизмат дастур самарадорлигини тасдиқлади. Шунингдек, беморларнинг касаллик ҳақидаги хабардорлик даражаси ҳам ўрганилди. Беморларнинг фақат 55 % қисми бронхиал астма ҳақида етарли маълумотга эга эканлиги аниқланди. Ахборот манбалари ичида шифокорлар асосий ўринни эгаллаган бўлиб, беморларнинг 55 % маълумотни даволовчи шифокорлардан олганини билдирган. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали маълумот олганлар улуши 24,5 % ни ташкил қилди. Бу натижалар бронхиал астма бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш, рақамли таълим ва профилактик дастурларни кенгайтириш зарурлигини кўрсатди. Беморлар касаллик оғирлик даражаси, астма назорати ҳолати ва қўлланилган даволаш тактикасига кўра гуруҳларга ажратилди. Таҳлил жараёнида хуружлар

частотаси, қайта госпитализация ҳолатлари, даволашга риоя қилиш даражаси ҳамда клиник симптомлар динамикаси ўрганилди.

Диссертациянинг **“Бронхиал астма билан оғриган беморларга кўрсатиладиган амбулатор ва стационар тиббий ёрдамни комплекс баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида бронхиал астма билан касалланган беморларга амбулатор ва стационар шароитларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги, шунингдек, икки босқичдаги муолажаларнинг узлуксизлиги тиббий-ташкилий тадбирларнинг ўзаро мувофиқлиги нуқтаи назаридан комплекс таҳлил қилинган. Бобда амбулатор хизматда мониторинг ва диспансер кузатувни кучайтириш, стационарга ётқизишлар оралиғини узайтириш, касаллик назоратини яхшилаш ҳамда беморларнинг кундалик ҳаёт сифати кўрсаткичларини ошириш масалалари долзарб вазифа сифатида асосланган. Беморларнинг ҳолатини баҳолашда клиник, функционал, лаборатор ва анкета (сўровнома) кўрсаткичлари биргаликда қўлланилган.

Бронхиал астма билан оғриган беморларга амбулатор ва стационар босқичларда кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг клиник, функционал, иммунологик ва ташкилий самарадорлиги комплекс баҳоланди. Тадқиқотга жалб этилган беморларда муолажалардан олдин ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари (FEV_1 , FVC, PEF, MEF_{25-75}) барча гуруҳларда ўзаро яқин бўлиб, статистик ишончли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$). Бу эса тадқиқот гуруҳларининг бошланғич функционал ҳолати бўйича қиёсланувчан шакллантирилганини тасдиқлади. Шу билан бирга, беморларда ўртача ва оғир даражадаги бронхообструктив бузилишлар мавжудлиги қайд этилди. Иммунологик кўрсаткичлар таҳлилида FeNO, IgE ва эозинофиллар миқдорининг юқори даражада эканлиги аниқланди. Беморларнинг асосий қисмида FeNOнинг ўртача ва юқори даражалари ҳамда IgE > 300 МЕ/мл кўрсаткичлари кузатилиб, аллергик ва эозинофил фенотипли бронхиал астма устунлиги тасдиқланди. Эозинофилиянинг 5–10 % даражаси кўпчилик беморларда қайд этилди, бу эса Th2-тип яллиғланиш фаоллигини кўрсатди. proBNP натижалари касаллик оғирлашган сари кардиореспиратор зўриқиш ортиб боришини намоён қилди. Беморларнинг ҳаёт сифати AQLQ ва нафас қисилиши mMRC шкаласи асосида баҳоланганда, муолажалардан олдин барча гуруҳларда ҳаёт сифати ўртача даражада бузилганлиги ва нафас қисилиши I–II даражада устунлиги аниқланди. 12 ойлик кузатув натижаларига кўра, энг юқори ижобий динамика I-асосий гуруҳда қайд этилди. Умумий AQLQ индекси $5,78 \pm 0,4$ баллгача ошди, ACT ≥ 20 баллга эришган беморлар улуши 75,6 % ни ташкил қилди. mMRC бўйича нафас қисилиши камайиб, беморларнинг кундалик жисмоний фаоллиги ва психоэмоционал ҳолати сезиларли яхшиланди ($p < 0,001$) (1-жадвал). Тиббий хизмат самарадорлигини комплекс баҳолаш натижалари такомиллаштирилган интеграциялашган ёндашувнинг юқори самарадорлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда $FEV_1 \geq 80$ % кўрсаткичга эришган беморлар улуши 68,9 % ни ташкил этди, FeNO < 25 ppb даражага тушган беморлар сони эса сезиларли ошди. Госпитализация частотаси 7,4 %

гача камайиб, шошилинич тиббий ёрдам чақиритилар сони ҳам ишончли қисқарди. Даволашга риоя қилиш ва ингалиция техникасини тўғри бажариш кўрсаткичлари мос равишда 82,2 % ва 88,9 % ни ташкил қилди.

1 – жадвал

Хаёт сифати кўрсаткичларининг динамикаси

AQLQ	Кузатув даври	1-гурух (n=90)	2-гурух (n=80)	3-гурух (n=70)	p (1–3)
Симптомлар	Дастлабки	4,21 ± 0,9	4,32 ± 0,8	4,10 ± 0,9	>0,05
	6 ой	5,35 ± 0,6	4,95 ± 0,6	4,55 ± 0,7	<0,01
	12 ой	5,85 ± 0,5	5,30 ± 0,6	4,80 ± 0,7	<0,001
Фаолият чекланиши	Дастлабки	4,05 ± 0,8	4,15 ± 0,9	3,93 ± 0,8	>0,05
	12 ой	5,70 ± 0,5	5,15 ± 0,6	4,65 ± 0,7	<0,001
Эмоционал ҳолат	Дастлабки	4,42 ± 0,7	4,52 ± 0,8	4,35 ± 0,7	>0,05
	12 ой	5,90 ± 0,4	5,35 ± 0,6	4,85 ± 0,6	<0,001
Атроф-муҳит таъсири	Дастлабки	3,83 ± 0,9	3,94 ± 0,8	3,76 ± 0,9	>0,05
	12 ой	5,40 ± 0,5	4,95 ± 0,6	4,45 ± 0,7	<0,001
Умумий индекс	Дастлабки	4,16 ± 0,6	4,25 ± 0,7	4,16 ± 0,6	>0,05
	12 ой	5,78 ± 0,4	5,20 ± 0,5	4,70 ± 0,6	<0,001

Такомиллаштирилган даволаш усулининг иқтисодий самарадорлиги таҳлилида стационар даволанишга бўлган эҳтиёж 50,0 % га, иш қобилияти йўқотилган кунлар 38,6 % га ва умумий иқтисодий юклама 51,6 % га камайганлиги аниқланди. Бу эса омализумаб, конъюгацияланган линол кислотаси ва рақамли мониторингни ўз ичига олган интеграциялашган тиббий ёрдам дастур нафақат клиник, балки ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқлади.

